

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЛИМУХАМЕДОВА ФЕРУЗА ШАВКАТОВНА

**БОЛАЛАРДА ШПРЕНГЕЛ КАСАЛЛИГИНИ ОПЕРАТИВ
ДАВОЛАШДА КУРАК СУЯГИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ**

14.00.22 – травматология и ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD)

Алимухамедова Феруза Шавкатовна

Болаларда Шпренгел касаллигини оператив даволашда курак суягини
реконструкция қилиш 3

Алимухамедова Феруза Шавкатовна

Реконструкция лопаточной кости при оперативном
лечении болезни Шпренгеля у детей 19

Alimukhamedova Feruza Shavkatovna

Reconstruction of the scapular bone in surgical treatment of Springel's disease in
children 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЛИМУХАМЕДОВА ФЕРУЗА ШАВКАТОВНА

**БОЛАЛАРДА ШПРЕНГЕЛ КАСАЛЛИГИНИ ОПЕРАТИВ
ДАВОЛАШДА КУРАК СУЯГИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ**

14.00.22 – травматология и ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1738 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzniito.uz), «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги порталида (www.uza.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар: **Джураев Ахрарбек Махмутович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Асилова Саодат Убайевна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абильмажинов Мухтар Толегенович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон Республикаси)

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» ДЕКАБРЬ соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Махтумқули кўчаси, 80-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40 -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Махтумқули кўчаси, 80-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2021 йил «21» ДЕКАБРЬ куни тарқатилди.
(2021 йил «21» ДЕКАБРЬ даги 40 рақамли реестр баённомаси).



М.Э. Ирисметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.П. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Шпренгел касаллиги елка камари ривожланишидаги оғир туғма нуқсон бўлиб, косметик асоратларга олиб келади ва кўлларни нормал фаолиятига халақит беради, болаларнинг жисмоний, ақлий ва психологик ривожланишида тенгдошларидан орқада қолишига сабаб бўлади. Туғма ортопедик касалликлар орасида курак суяги аномалияси, хусусан, Шпренгел касаллиги «... тахминан 0,5-1%ни ташкил қилади»¹. Шунингдек, муаммонинг долзарблиги, консерватив ва жарроҳлик даволаш билан ижобий натижаларга эришиш қийинлиги билан боғлиқ, елка камари суякларидан радикал муолажаларсиз, ҳатто жарроҳлик йўли билан ҳам даволашда ижобий натижага эришиш мураккаб.

Ҳозирги кунда дунёда болаларда Шпренгел касаллигида елка суягининг туғма юқори ҳолатини жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича куйидаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: касалликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, кўкрак қафаси, умуртқа поғонаси, елка камари, кўллардаги анатомик ва функционал ўзгаришни аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотлар, қон айланишини, тўқималарнинг озикланишини яхшилаш, яхши ривожланмаган орқа мушакларнинг тонусини камайтириш, юмшоқ ва суяк тўқималарида ҳосил бўлган куракнинг юқори туришини бартараф қилишга қаратилган, масалан, куракни кўтарувчи трапециясимон мушаклар миотомияси; куракни тушириш учун эластик тортишишли махсус қурилмалардан фойдаланиш; курак ва умуртқа поғонаси орасидаги фиброз тортмаларни кесиш; куракнинг юқори медиал бурчагини резекция қилиш; тумшуксимон ўсиқ ёки курак танасининг остеотомияси; фиброз тортмаларни мушаклар билан бирлаштириб кесилиши; курак суягининг ташқи кортикал пластинкасини остеоклазияси ва бошқалар. Бироқ, қисқарган ва ривожланмаган мушакларнинг чўзилиши, резекция туфайли курак ҳажмининг кичрайиши, елка камари асимметриясининг ошиши, елка суяги патологик шаклининг туғриланмаганлиги, операциядан кейинги контрактуранинг пайдо бўлиши, рецидив ва бошқа асоратлар каби қатор камчиликлар туфайли яхши анатомик ва косметик натижаларга эришиш мумкин эмас. Шундай қилиб, жарроҳлик даволашдан кейинги узок муддатли даврда яхши анатомик ва функционал натижаларга эришиш учун Шпренгел касаллигида куракнинг нафақат жойлашишини, балки шаклини ҳам тўғрилаш бўйича тадқиқотлар зарурлиги аниқланди.

Мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини ошириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни такомиллаштириш, жумладан, диагностика ва даволаш усулларини такомиллаштириш, асоратларнинг олдини олиш, замонавий технологияларни жорий этиш илмий-тадқиқот ишларининг долзарб йўналишларидан биридир. Касалликларни камайтириш, даволашнинг мақбул усулини танлаш ва болаларда туғма нуқсонларни ўз вақтида ташхислаш бўйича қатор вазифалар,

¹ Jiang Y, Guo Y., Zhu Z., Wang Y., Surgical management of Sprengel's deform-ity by a modification of Green's procedure : A single center experience.// Ortho-pade., 2020; 49(3):255-259.

жумладан, “... аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлигини, сифатини ошириш, аҳоли шунингдек, тиббий стандартлаштиришни шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш” белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва ушбу фаолият соҳасига тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация иши маълум даражада хизмат қилмоқда.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Куракнинг туғма юқори туриши елка камари мушакларининг аплазияси ва дисплазияси билан бирга келади, аммо атрофдаги мушаклардаги ўзгаришлар адабиётда тўлиқ очиб берилмаган (Батышева Т.Т. ва бошқ., 2019; Колчин Д. В., 2009; Поздеев А.А. ва бошқ., 2007.; Юдина Н.В. ва бошқ., 2016; Cho T.G., 2000; Jiang Y. Et al., 2020; Kadavkolan A.S., Et al. 2011; Kamal Y.A., 2018; Rashid M., 2009; Xin B., Et al. 2010). Бугунги кунга қадар Шпренгел касаллигини жарроҳлик йўли билан даволашнинг 30дан ортиқ усуллари таклиф қилинган. Оператив давонинг қўйидаги гуруҳлари таклиф этилади: куракнинг остеотомияси ва юқори жойлашган ярмини пастга тушириш; куракнинг юқори четини қисман резекция қилиш; суякка тегилмаган холда куракни тушириш операциялари (Поздеев А.А., 2006; Alsiddiky A.M., 2020; Bindoudi A., 2014; Doita M., 2000; Kadavkolan A.S., 2011; Motwani G., 2020; Masquijo J.J., 2009; Patwardhan S., 2020; Rashid M., 2009). Янги жарроҳлик усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ушбу касалликни даволашнинг ёмон натижалари фоизини камайтирди. V.Putti, R.R.Wreden, J.W.Woodward, Konig по данным Колчина (2009), Поздеева (2007), Katsuhisa Yamada (2013), Marco Pato (2018), Mohamed Mansour Elzohairy(2019), Ozair Bin Majid (2020), Premal Naik (2021), Ufuk Aydinli (2005) ва бошқалар курак тўлиқ мобилизация қилингандан сўнг, 7-қовурға ёки орқа мушакларга трансоссеал тарзда маҳкамланади. Бундай холда, қўшимча омовертебрал суяк кесилади, ўмровнинг ва куракнинг тумшуксимон ўсиғи остеотомияси амалга оширилади. Бироқ, бу операциялардан сўнг, болаларнинг 30% болаларда касаллик қайталанишини ёки куракнинг аномал шакли тўлиқ тўғриланмаганлиги, курак суягининг нуқсони билан боғлиқ.

Республикамызда 2000 йилдан бошлаб курак суягининг туғма нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш йўлга қўйилган ва умуман олганда, курак суягининг проксимал учини резекция қилиш каби паллиатив

операциялар қўлланилган. Бирок, радикал операцияларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини ўрганиш ва татбиқ этишга бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Болаларда Шпренгел касаллигида курак суягининг тўлиқ мобилизацияси бўйича эришилган натижалар жуда кам акс эттирилган. Эҳтимол, бу турли муаллифлар томонидан қўлланиладиган хар хил баҳолаш мезонлари билан боғлиқ бўлиб, даволаниш натижалари асосий анатомик, функционал ва косметик кўрсаткичлар бўйича баҳоланмоқда. (Ибрагимов С.Ю. ва бошқалар, 2014; Содиков А.А., 2020).

Шпренгел касаллиги билан беморларда куракнинг туғма деформацияси болаларнинг ўсиши билан зўрайиб бориб, курак суягининг силжишига тўсқинлик килади, бу ҳолат тўғриланган курак суягининг натижасини қисман йўқотади. Куракнинг проксимал қисмини қисман резекция қилиш ёки узунасига остеотомияси орқали куракнинг шаклини ўзгартиришга уринишлар курак суягини геометрияси ва ҳажмининг ўзгаришига олиб келади (Юдина Н.В. ва бошқ., 2016). Бинобарин, болаларни Шпренгел касаллигида жарроҳлик даволашдан сўнг узок муддатли даврда яхши анатомик ва функционал натижаларга эришиш учун нафақат жойлашишини, балки курак суяги шаклини ҳам тузатишни ривожлантириш бўйича тадқиқотларга эҳтиёж борлиги аниқланди. Маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилиш, болаларда Шпренгел касаллигини ташхислаш ва даволашнинг бир қатор масалалари етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатди. Тана, елка камари ва елка мушакларидаги электрофизиологик ўзгаришлар етарли даражада ўрганилмаган. Адабиётларда елка камари ва қўлларнинг анатомик ва функционал ҳолатини тўлиқ тиклашга қаратилган жарроҳлик даволаш усуллари, беморларни операциядан кейинги тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш усуллари етарли даражада ёритилмаган. Ўтказилган тадқиқотларда Шпренгел касаллигида куракнинг аномал шаклига етарлича эътибор берилмаган. Болаларда Шпренгел касаллигини жарроҳлик йўли билан даволашда турли хил операциялардан кейин асоратларнинг пайдо бўлиши, деформациянинг етарли даражада тузатилмаганлиги, елка бўғимларида контрактураларнинг ривожланиши ва курак шаклини тўғрилаш бўйича кейинги тадқиқотлар талаб этилади. (Батышева Т.Т. ва бошқ., 2019; Колчин Д. В., 2009; Юдина Н.В. ва бошқ., 2016; Cho T.G., 2000; Jiang Y. Et al., 2020; Kadavkolan A.S., et al. 2011; Kamal Y.A., 2018; Xin B., et al. 2010;).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режасига киритилган ва ФЗ-202010057-сон «Янги илмий-амалий технологияларни ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси доирасида «Болаларда Шпренгел касаллигини жарроҳлик даволашда курак суякни реконструкция қилиш» бажарилган (2020-2021 йй).

Тадқиқотнинг мақсади курак суяги шакли деформациясини жарроҳлик йўли билан коррекция қилишнинг усуллари ишлаб чиқиш

орқали болаларда Шпренгел касаллигини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда Шпренгел касаллигида курак шаклидаги патологик ўзгаришларни баҳолаш;

рентген, ЭНМГ ва МСКТ тадқиқотлари ёрдамида Шпренгел касаллиги бўлган болаларда суяк, мушак ва асаб тизимининг анатомик ва функционал ҳолатини баҳолаш;

касалликнинг шакли ва оғирлигига қараб диагностика ва даволашнинг дифференциал алгоритминини ишлаб чиқиш;

Шпренгел касаллигига чалинган болаларда курак шаклини қайта тиклашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган даволаш усуллари натижаларини қиёсий жиҳатдан баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар ортопедияси бўлимида 2010-2021-йилларда туғма куракнинг юқори туриши билан даволанган 88 нафар болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болаларда туғма куракнинг юқори туриши бўйича клиник, рентгенологик, МСКТ, электрофизиологик ва статистик тадқиқотлар натижалари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари иш давомида клиник, рентгенологик, МСКТ, электрофизиологик ва статистик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

курак суяги шаклининг тана ва проксимал қисмида тўрт турдаги патологик ўзгаришлари ҳамда уларнинг илгак, ботик ва аралаш деформация шаклларида ёки деформациясиз намоён бўлиши аниқланган;

Шпренгел касаллигида патологияни жарроҳлик йўли билан даволаш учун ўзига хос тактикани танлаш имконини берувчи курак суяги шакли деформацияси таснифи ишлаб чиқилган;

курак суягининг илгак шаклидаги деформациясида касалликнинг қайталанишини олдини олишга имкон берадиган лавсан ип билан трансоссаль фиксация қилиниб, курак шаклини тўғрилашдан иборат бўлган хирургик тактика асосланган;

курак суягининг ботик ва аралаш деформацияси иккита кесишган сихлар билан трансоссаль фиксация усули ишлаб чиқилган ва операциядан кейинги даврда курак суягининг текис шаклини сақлашга имкон яратиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган Шпренгел касаллиги билан болаларда курак деформацияси шаклини тўғрилаш учун дифференциал даволаш ёндашув энг мақбул тактик ва техник ечимларни танлаш имконини берган;

тавсия этилган болалардаги курак суягининг илгаксимон, ботик ва аралаш деформацияларини тўғрилаш учун кам шикастли усуллар таклиф этилган;

курак суягининг нормал даражага тушириш, деформациясини бартараф этиш жараёнида операциядан кейинги даврда касалликнинг қайталанишини олдини олиши ва куракнинг кўкрак қафаси юзасига бир хил ёпишиши туфайли яхши анатомик, косметик ва функционал натижаларни олиш имконини бериши исботланган;

Шпренгел касаллигига чалинган болаларни реабилитация қилишнинг операциядан кейинги оптимал босқичлари аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги клиник, рентгенологик, МСКТ, электрофизиологик тадқиқот усуллари, текширилган беморларнинг этарли сони, хулосаларнинг ҳақиқийлиги, шунингдек, аналитик ва статистик маълумотларни қайта ишлаш натижалари билан тасдиқланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, курак суягини қайта тиклаш билан жарроҳлик аралашувнинг ўзига хос тактикаси ишлаб чиқилган бўлиб, у икки турдаги операция усуллари (иккита сим ва лавсан ип ёрдамида) иборат бўлиб, курак суягининг кўкрак юзасига ёпишишини, кўл ҳаракати пайтида унинг бир текис силжишини, курак шакли ва ёшидаги патологик ўзгаришларга қараб болаларда Шпренгел касаллигини жарроҳлик даволашнинг самарали натижаларини олишини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, курак суяги деформациясининг шаклини тўғрилаш учун дифференциал ёндашув таклиф этилган бўлиб, бу Шпренгел касаллиги билан болаларни жарроҳлик даволаш учун энг мақбул тактик ва техник ечимларни танлаш имконини беради; болаларда куракнинг илгаксимон, ботик ва аралаш деформацияларини тўғрилашнинг кам травматик усуллари таклиф этилади, Шпренгел касаллиги бўлган болаларни реабилитация қилишнинг оптимал операциядан кейинги босқичлари аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда Шпренгел касаллигини ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотлар натижаларига кўра қуйидагилар жорий этилди:

болаларда Шпренгел касаллигини диагностикаси, жарроҳлик йўли билан даволаш ва реабилитация қилиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида “Туғма курак суяги юкори туриши бўлган болаларни реабилитация қилиш алгоритми” услубий тавсиялари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 январдаги 8н-д/8-сон хулосаси). Олинган натижалар болаларда Шпренгел касаллигини жарроҳлик даволаш усуллари танлаш имкониятини берган;

болаларда Шпренгел касаллигини хирургик даволаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида «Болаларда Шпренгел касаллигини хирургик даволашда курак суяги шаклини реконструкция қилиш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 ноябрдаги 8н-з/448-сон хулосаси). Олинган натижалар болаларда Шпренгел касаллигини жарроҳлик даволаш натижаларини яхшиллашга имкон берган;

курак шаклидаги патологик ўзгаришларни ўрганиш натижалари бўйича «Болаларда Шпренгел касаллигида туғма куракнинг юқори туришини даволаш усули» фойдали моделига Интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (№FAP 01668, 30.07.2021 йил). Олинган натижалар болаларда Шпренгел касаллигини хирургик даволаш вақтида курак шаклининг деформациясини тузатишга имкон берган.

Шпренгел касаллигига чалинган беморларни ташхислаш ва даволаш тактикасини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси, Республика болалар ортопедияси маркази, Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 декабрдаги 08-09/19271-сон хулосаси). Таклиф этилган диагностика ва даволаш усуллари тадбиқ этиш натижаси Шпренгел касаллигида 85,0%гача яхшиланганлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та республика илмий-амалий конференцияларда, жумладан 11 та хорижий ва 4 та республика конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар ва асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан бтаси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 103 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари белгиланган, объекти ва мавзуси тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослигини кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларни амалиётда тадбиқ этиш, нашр этилган мақолалар ва диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Болаларда курак суягининг туғма юқори туриши (Шпренгел касаллиги) диагностикаси ва даволаш бўйича замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида болаларда Шпренгел касаллигининг сабабларини батафсил тарифланади. Болаларда Шпренгел касаллигини консерватив ва жарроҳлик даволаш масалалари ҳар томонлама ёритилган. Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозиргача Шпренгел касаллигининг этиологияси ва патогенези бўйича ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Курак шаклидаги патологик ўзгаришлар этарлича ўрганилмаган. Даволанишнинг

тавсия этилган жарроҳлик усуллари даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилашга имкон берди, аммо курак шаклидаги патологик ўзгаришларга етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли, баъзи болалар ўсиб улғайганида деформациянинг қайталаниши кузатилади. Операциядан кейинги босқичда кўшимча тадқиқотларни талаб қиладиган реабилитация даволаш масалалари етарли даражада ёритилмаган. Юқорида айтилганларнинг барчаси ушбу тадқиқотнинг зарурлиги ва долзарблигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Туғма курак суягининг юқори туриши мавжуд бўлган беморларни даволаш бўйича клиник материаллар ва тадқиқот усуллари таърифи**» деб номланган иккинчи бобида беморларнинг умумий хусусиятлари ва амалий тадқиқот усуллари келтирилган. Бизнинг тадқиқотимиз 2010 йилдан 2021 йилгача касалхонада даволанган таянч-ҳаракат тизимининг туғма аномалиялари туфайли туғма курак суягининг юқори туриши бўлган 88 нафар боланинг кузатувиغا асосланган. Беморларнинг умумий сонидан 49 таси ўзимизнинг кузатувларимиз, 39 таси архив материалдир.

Оператив даволаш 88 та беморда, 90 та операция қилинган бўлиб, улардан Поздеев усулида – 40 та беморда 42 операцияда ҳамда, 48 беморда - курак шаклини қайта тиклашнинг ишлаб чиқилган усулларида фойдаланган ҳолда 48 операция қилинди. Патологиянинг қисман қайталаниши туфайли 2 нафар болада такрорий операция ўтказдик.

Биз беморларни икки гуруҳга ажратдик: 1. Шпренгел касаллигининг юмшоқ тўқимали шакли. 2. Шпренгел касаллигининг суяк шакли

Касалликнинг юмшоқ тўқимали шаклида елканинг очилиш бурчагига, курак ва ўмровнинг баландлигига қараб, уч даражага бўлинади.

Касалликнинг суяк шаклида ўртача ва оғир даражадаги, шунингдек, елканинг очилиш бурчагига, курак ва ўмровнингнинг баландлигига қараб фарқланади. Касалликнинг суяк шаклида енгил даражали деформация учрамайди.

Беморларимиз ичида касалликнинг юмшоқ тўқима шакли билан 8 та, суяк шакли билан 22 та бола бор эди. Шпренгел касаллигининг юмшоқ тўқимали шаклидан атиги 2 тасида енгил даражадаси, қолганларида эса ўрта (32 та) ва оғир (34) даражада деформациялар учради.

Касалликнинг суяк шакли 22 болада қайд этилди. Улардан 10 нафар беморда ўрта, 12 нафаридида оғир даражада деформация бор эди. Шундай қилиб, бизнинг кузатишларимиз орасида ўрта ва оғир даражадаги деформацияга учраган болалар устунлик қилди.

Шпренгел касаллиги билан болаларни текшириш ва даволаш вақтидаги кузатувларимиз шуни кўрсатдики, касалликнинг оғирлиги ва даволаш натижалари кўп жиҳатдан куракнинг ҳолати ва шакли ўзгаришига боғлиқ. Оддий ҳолатларда, шунингдек, енгил Шпренгел касаллигида, курак текис шаклга эга ва кўкрак юзасига текис ёпишади. Бироқ, Шпренгел касаллигининг аксарият ҳолатларида курак суяги яхши ривожланмаган, деформацияланган ва кўкрак юзасига бир текис ёпишмайди. Курак шаклининг деформацияси мавжудлиги касалликнинг кечишини сезиларли даражада мураккаблаштиради. 1-жадвалда биз курак

шаклидаги деформациялар мавжудлиги бўйича болаларнинг тақсимланишини тақдим этамиз.

1-жадвал

Курак шаклининг деформациясининг мавжудлиги ва шакли бўйича болаларни тақсимлаш

Курак деформацияси тури	Беморнинг ёши				Умумий
	3 ёшгача	3-5 ёш	6-10 ёш	11 ёш ва катталар	
Деформациясиз	3	1	1	-	5
Узунасига ва кундалангига ботиқ деформацияси	6	8	12	7	33
Проксимал қисм илгаксимон деформацияси	3	4	11	3	21
Аралаш	2	6	15	3	26
Умумий	11	18	43	13	88

Жарроҳлик муолажалари ҳажмини ва даволаш натижаларини танлашда курак шаклининг муҳимлигини ҳисобга олиб, биз беморларни 4 та гуруҳларга ажратдик:

1 Курак деформациясиз Шпренгел касаллигининг енгил даражаси бўлган беморлар.

2.Куракнинг узунасига ботиқ деформацияси бўлган беморлар

3.Куракнинг кўндалангига ботиқ деформацияси бўлган беморлар

4.Куракнинг аралаш деформацияси бўлган беморлар

Биз куракнинг юқори туриши ҳолатига эга бўлган беморларнинг ҳар бир гуруҳида курак шаклидаги ўзига хос ўзгаришларни ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва А.П.Поздеев ва А.А.Поздеев (2012) томонидан таклиф қилинган таснифни қуйидагича ўзгартирдик(2-жадвал):

2-жадвал

Болалардаги Шпренгел касаллигининг таснифи

Касаллик шакли	Касаллик оғирлиги	Куракнинг Юқори туриши	Курак шаклининг деформацияси
Юмшоқ тўқимали	1 даража 2 даража 3 даража	2 смгача 2-5 смгача 5 смдан юқори	1. куракнинг деформациясиз шакли 2. куракнинг узунасига ботиқ деформацияси 3. куракнинг кўндалангига ботиқ деформацияси
Суякли	2 даража 3 даража	2 - 5 смгача 5 смдан юқори	4. Куракнинг аралаш деформацияси

Патологиянинг суяк шакллари билан касалликнинг оғирлиги максимал

даражада ифодаланганлигини ҳисобга олиб, енгил даражалар ажратилмайди.

Хамма 88 та беморда марказ поликлиникасига келган вақтида, клиникага ётқизилганида, операциядан олдинги ва операциядан кейинги 6 ойда бир марта рентген текшируви ўтказилди.

Шпренгел касаллиги билан болаларда рентген текшируви учта ҳолатда ўтказилди:

1. Кўкрак қафаси, курак ва елка бўғимларининг олд-орқа проекцияси
2. Бўйин ва кўкрак умуртқасининг олд-орқа проекциясида
3. Бўйин ва кўкрак умуртқасининг ён томонлама проекцияси.

Рентгенологик тадқиқотлар курак, кўкрак қафаси, қовурғалар, умуртқа поғонаси ва елка бўғимлари суяклари ҳолатини ва патологик ўзгаришларни аниқлашга имкон берди. Барча болаларда рентгенограммаларни таҳлил қилишда куракда патологик ўзгаришлар аниқланган. Бу, биринчи навбатда, курак суягининг ўлчамига тегишли. Барча болаларда соғлом томонга нисбатан турли даражада курак ҳажмининг кичраиши, 43та болада куракнинг узунлиги соғлом томоннинг ярмига тенглиги, 21-25% гача, қолганларида 15-20% гача қайд этилган.

МСКТ текшируви 62 болада қабул вақтида ва 3 ҳафта ўтгач, операциядан кейин такрорий ташрифларда ўтказилди. МСКТ текшируви Шпренгел касаллиги бўлган болаларда суяк тизимининг ҳолатини ташхислашнинг энг яхши усули ҳисобланади. МСКТ тадқиқотининг шубҳасиз афзаллиги елка камари, кўкрак ва умуртқа поғонаси суяк тизимининг ҳар бир элементининг шакли ва ҳажмини таҳлил қилиш бўлиб, бу суякларнинг шакли, ҳажми, ўзаро нисбий ҳолатини объектив баҳолаш имконини ва жарроҳлик даволаш режасини берди. Туғма куракнинг юқори туришида нерв-мушак аппарати, елка-камари ва кўлнинг функционал ҳолати электромиография ёрдамида аниқланди. ЭНМГ текшируви 26 беморда ўтказилди. Global Med System хусусий клиникасида ЭНМГ текшируви 12 болада ўтказилди. Текширувлар беморлар касалхонага ётқизилганида (22 болада) ва узоқ муддатли даволанишдан кейин бир йил ўтгач ва кейинроқ (18 беморда) ўтказилди. Ўрта нервининг (n.medianus C8-Th1) мотор ўтказувчанлигини ўрганиш учун қайд электродлари 1 бармоқнинг асосий фалангаси ҳудудида жойлаштирилган электроди биланнинг ўрта учдан бир қисмига қўйилиб, тирсак бўғимини стимулловчи қўзғатувчига ўрнатилди. Электр токи билан стимуляция 14,0 мА, давомийлиги - 0,3 мсек, ҚХП (қўзғатилган ҳаракат потенциали) амплитудасини қайд этиш m. abductor pollicis brevis. Тирсак нервининг (n.ulnaris C8-Th1) мотор ўтказувчанлигини ўрганиш учун қайд қилувчи электрод бешинчи қафт-фаланга бўғим соҳасида, огоҳлантирувчи электрод эса ички елка бўртиғи соҳасида жойлашган. Стимуляция 16,0 мА электр токи билан бўлиб, давомийлиги - 0,3 мс, ҚХП амплитудасини қайд этиш. m. m.abductor digiti minimi.

Кўлтиқ ости нервининг (n.axillaris C5-C6) мотор ўтказувчанлигини ўрганиш учун қайд қилувчи электрод дельтасимон мушак соҳасига, огоҳлантирувчи электрод эса Эрба нуктаси соҳасида жойлашган. Электр токи билан стимуляция 14,0 мА, давомийлиги - 0,5 мсек, ҚХП амплитудасини қайд этиш. m. deltoideus.

ТТТ(тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги)нинг восита ўтказувчанлиги ва юқоридаги нервлар ва мушакларнинг ҚХП амплитудаси бўйича рақамли маълумотлари статистик тарзда қайта ишланди. Маълумотлар Нейрософт компаниясининг услубий кўрсатмаларида келтирилган нормал қийматлар билан таққосланди. Олинган маълумотлар 3 ва 4-жадвалларда келтирилган.

3-жадвал

Шпренгел касаллиги бўлган болаларда нервларнинг моторли ТТТ ўтказувчанлиги

№ п/п	Нервнинг номи	Нервлар буйича ТТТ		
		Соғлом томони м/с	Даволанишдан олдин $M \pm m$ м/с	Даволанишдан сўнг $M \pm m$ м/с
1.	N.Axillaris (C5-C6)	>65	62,96±0,33	64,8±0,11
2.	N.Ulnaris (C8-Th1)	>50	43,94±0,27	45,1±0,34
3.	N.Medianus (C8-Th1)	>50	47,72±0,23	48,9±0,42

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Шпренгел касаллиги билан болалар даволанишдан олдин, axillaris, ulnaris ва medianus нервларнинг мотор толаларида ТТТ нинг пасайиши кузатилади. Худди шундай ўзгаришлар елка ва билак мушакларининг ТТТ амплитудаларида кузатилади, бу нервлар томонидан иннервация қилинади. Даволанишдан кейинги узок муддатли даврда нервларнинг моторли ўтказувчанлиги учун ТТТ индекслари ва мушак ҚХП амплитудаси нормал қийматларга яқин.

4-жадвал

Шпренгел касаллиги бўлган болаларда мушак ҚХП амплитудаси

№	Мушак номлари	Мушак ҚХП амплитудаси		
		Соғлом тарафи мВ	Даволанишдан олдин $M \pm m$ мВ	Даволанишдан сўнг $M \pm m$ мВ
1.	M.Deltoideus	>12,5	12,1±0,22	12,5±0,19
2.	M.Abductor digiti minimi	>6.5	6,1±0,45	6,3±0,26
3.	M. Abductor pollicis brevis	>3.5	3,6±0,54	3,7±0,35

Шпренгел касаллигини ташхислашда ЭНМГ елка камари ва кўлларининг нервлари ва мушакларидаги ўзгаришларни аниқлаш, даволаш вақтида кўлнинг иннервация ҳолатини назорат қилиш имконини берди.


Диссертациянинг «Болаларда туғма курак суягининг юқори туришини жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари таърифи» деб номланган учинчи бобида болаларда Шпренгел касаллиги учун жарроҳлик муолажасига кўрсатмалари ва усуллари келтирилган. Биз Шпренгел касаллигида консерватив давони 3 ёшдан ошган болаларда кўринадиган ижобий таъсири бўлмаса, жарроҳлик йўли билан даволашга кўрсатма деб хисоблаймиз. Консерватив даво 3

ёшгача бўлган болаларда амалга оширилиши мумкин ва асосан у асосий жарроҳлик даволашдан олдин тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилади.

Биз 40 нафар болада куракни нормал ҳолатга келтириш ва орканинг сербар мушакларига маҳкамлаш орқали тўлиқ мобилизация қилиш операцияларини ўтказдик. Амалга оширилган операциялар натижасида яхши даволаш натижаларини олдик. Бирок, бир қатор ҳолларда, узоқ муддатда, даволанишдан 2-3 йил ўтгач, болалар ўсиб улғайган сайин, биз 17 болада куракнинг деформациясини аниқладик, бу маълум даражада қўлнинг тўлиқ ҳаракатланишига тўсқинлик қилди. Асосан, 11 та бола ўсиб улғайганида деформациянинг қисман қайталанишини кузатилди.

Курак суягини туширганда, куракнинг шакли шубҳасиз текширилди. Биз илгари таърифланганимиздек 82 та болада, курак шаклининг турли деформацияларини топдик. Курак суягини шакли тузатилмаса, курак кўкрак қафаси юзасига бир текис ёпишмайди, бу эса қўл ҳаракати пайтида куракнинг сирпанишини олдини олади.

Биз курак шаклидаги турли патологик ўзгаришларни оператив даволаш схемасини ишлаб чиқдик. Ушбу схемада курак суягининг илгаксимон, ботиқ ва аралаш деформацияларида куракни тузатиш ва маҳкамлаш усуллари кўрсатилган.



Бизнинг кейинги кузатишларимиз шуни кўрсатдики, болалар ўсиб улғайганида курак суяги деформациясининг ривожланишига йўл қўймаслик учун курак шаклидаги ўзгаришлар ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш ва операция давомида тўғрилашлар киритиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун яхши

даволаш натижаларига эришиш учун операциядан олдин курак шаклидаги патологик ўзгаришларни аниқлаш ва операция давомида шаклни тўғрилаш керак.

Биз куракнинг илгак шаклида деформациясини қайта тиклаш усулини таклиф қилдик (патентга илова № FAP 2021.0230). Операция қуйидагича амалга оширилади: куракнинг тўлиқ мобилизациясидан сўнг биз куракнинг шакли ва юзасини текшираемиз. Куракнинг проксимал учининг илгакка ўхшаш деформацияси ҳолатларида, агар куракнинг шакли тўғриланмаса, у тушмайди ва кўкрак юзаси бўйлаб сирғалиб кетмайди. Шунинг учун, куракни туширишдан олдин, биз уни иккита суяк ушлагичи билан тўғрилаймиз ва курак шаклини куч билан аста-секин тузатамиз. Куракнинг илгак шаклидаги деформациясини тўлиқ тўғрилангандан сўнг, П шаклидаги лавсан иплари билан фиксация амалга оширилади.

Агар куракни туширишга ва айлантиришга юқори ва ташқи томондан, тумшуксимон ўсимтага бириккан мушак ва бойламлар пружинасимон қаршилиги аниқланса, пўстлок ости ажратилиб ва тумшуксимон ўсимта остеотомия қилинади.

Шундан сўнг, курак нормал даражага - курак суягининг юқори қирраси П кўкрак умуртқасининг пастки қирраси даражасида туширилади. Сўнгра, орқа курак чизиғи бўйлаб орқа сербар мускулида чўнтак ҳосил қилиб, курак пастга туширилди ва унинг чўнтагига кирган пастки бурчаги уч ёки тўртта П шаклида иплар билан мушакка транссосал тарзда бириктирилди. Худди шундай, курак суягининг медиал қирраси трапециясимон мушакка П шаклида лавсан иплари билан маҳкамланади. Гемостазни назорат қилгандан сўнг, яра қатламма-катлам тикилди. Куракнинг юқори ва медиал қирраси бўйлаб иккита резинали чикаргич ўрнатилди.

Биз қуйида “Болаларда курак суягининг туғма юқори туришини даволаш усули”ни ишлаб чиқдик (Интеллектуал мулк агентлигидан 2021 йил 30 июлда FAP 01668 сонли патент олинган). Усул куракнинг ботиқ ва аралаш деформацияларини даволаш учун мўлжалланган.

Агар текширувда курак суягининг узунасига ботиқ деформацияси аниқланса, тўғрилаш учун курак вертикал чизиқ бўйлаб иккита суяк ушлагичи билан ушланади. Суяк ушлагичлари куракни медиал ва латерал қирралар бўйлаб маҳкамлайди. Агар текширувда курак суягининг кенглигига ботиқ деформацияси аниқланса, биз суяк ушлагичи билан куракни кенглиги бўйлаб, курак ўсиши остидан ва иккинчиси, пастки бурчакка яқинроқ, ёпиқ остеоклазия ёрдамида куракнинг шаклини тузатамиз. Катта ёшдаги болаларда курак суяги қаттиқ бўлиб, ёпиқ усулда остеоклазия қилиш мумкин эмас. Бундай ҳолларда биз куракнинг ички кортикал пластинкасини деформация чизиғи ва қовурга юзаси бўйлаб кортикотомия қиламиз. Шундан сўнг, куракнинг медиал четидан пастга ва латерал қисмидан иккита кесишган Киришнер симлари билан куракнинг тўғриланган ҳолатида ўрнатилади. Сўнгра, курак суяги нормал даражага туширилади ва П-шаклидаги лавсан иплари билан орқа сербар мушакларига маҳкамланади.

Жарроҳлик даволашдан сўнг яхши натижаларга эришиш учун болани диққат билан текшириш, курак шаклини аниқлаш керак. Операция вақтида курак суягини

кўкрак қафаси юзаси бўйлаб текис силжиши ва қўлнинг ҳаракатланиши учун курак шаклини тўғрилаш ва текис шаклга эришиш керак. Куракнинг шаклини тўғрилаш, даволаниш кейин узоқ муддатли даврда куракнинг деформациясининг ривожланишига ва касалликнинг қайталанишидан тўсқинлик қилади.

Диссертациянинг «**Туғма курак суяги юқори туриши бўлган болаларни даволаш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида болаларда куракнинг туғма юқори туришида даволаш куракнинг анатомик-косметик шакли ва қўл функционал ҳолатини тикланиш натижалари билан баҳоланди. Биз болаларда Шпренгел касаллигини даволаш натижаларини баҳолаш дастурини ишлаб чиқдик. Даволанишнинг узоқ муддатли натижаларини баҳолаш учун қомат, елка-камари ва қўлларнинг анатомик, косметик ва функционал ҳолатлари ҳисобга олинади. Биз беморларнинг иккала гуруҳида операциядан кейинги узоқ муддатли даврда анатомик ва косметик натижаларни таҳлил қилдик, уларнинг натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Шпренгел касаллиги билан болаларни даволашнинг анатомик ва косметик натижалари

Беморлар гуруҳи	Яхши		Қониқарли		Қониқарсиз		Умумий	
	абс	В %	абс	В %	абс	В %	абс	В %
Курак шаклини тўғриламасдан операция қилинган болалар	24	70,5	8	23,5	2	6,0	34	100
Курак шаклини тўғрилаб операция қилинган болалар	32	80,0	8	20,0	-	-	40	100
Хаммаси	56	75,7	16	21,6	2	2,7	74	100

Шпренгел касаллиги билан касалланган болаларни даволашнинг узоқ муддатли функционал натижалари операциядан кейин бир йилдан 14 йилгача бўлган 74 болада ўрганилди. Узоқ муддатли даврда болаларни даволашнинг функционал натижалари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Шпренгел касаллиги бўлган болаларни даволашнинг функционал натижалари

Беморлар гуруҳи	Яхши		Қониқарли		Қониқарсиз		Умумий	
	абс	В %	абс	В %	абс	В %	абс	В %
Курак шаклини тўғриламасдан операция қилинган болалар	26	76,4	6	17,6	2	6,0	34	100
Курак шаклини тўғрилаб операция қилинган болалар	34	85,0	6	15,0	-	-	40	100
Итого	60	81,0	12	16,2	2	2,8	74	100

Шундай қилиб, болаларда Шпренгел касаллигини жарроҳлик йўли билан даволаш қийин вазифадир. Ушбу вазифани муваффақиятли бажариш учун болаларни ҳар томонлама скелет тизими, иннервация, елка камари мушаклари ва елка бўғимлари ҳолатини ташхислашнинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда текшириш керак. Беморнинг аҳволини ҳар томонлама баҳолагандан сўнг, жарроҳлик муолажаси режасини тузиш керак. Атрофдаги тўқималардан, тортмалардан тўлиқ мобилизация ва куракни нормал даражага тушириш сезиларли тўқималар шикастланиши билан бирга келади ва бемор болага операциядан кейинги эҳтиёткорлик билан ёрдам беришни талаб қилади. Тизимли операциядан кейинги реабилитация, физиотерапия ва даволаш машқлардан фойдаланган ҳолда даволаш, қўлларнинг функционал тиклашга имкон беради. Куракнинг кўкрак қафаси юзаси бўйлаб бир текис силжишини енгиллаштириш учун биз танлаган усул куракнинг патологик шаклини реконструктив жарроҳлик тўғрилашдир.

ХУЛОСАЛАР

1. Куракнинг туғма юқори туришида анатомик ва функционал бузилишларнинг оғирлиги курак суяги шаклидаги ўзгаришларга тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шпренгел касаллиги билан болаларда 95,1% ҳолларда курак шаклидаги патологик ўзгаришлар илгак шаклидаги, ботик ва аралаш деформациялар шаклида кузатилади.

2. Рентген ва МСКТ тадқиқотлари Шпренгел касаллигида курак суяги шаклининг 4 хил ўзгаришини аниқлади: деформациясиз, илгак шаклидаги деформацияси, тананинг ботик деформацияси ва барча қисмларининг аралаш деформацияси, ҳамда ЭНМГ текшируви елка камари ва қўл мушакларининг импульс ўтказувчанлиги ва ҚХП амплитудаси пасайишини кўрсатди.

3. Шпренгел касаллигини жарроҳлик йўли билан даволашни касалликнинг шакли ва оғирлигини, шунингдек, курак суягидаги патологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Курак суягини проксимал қисми ва танасини тўлиқ тўғрилаш ҳамда кўкрак қафаси юзасига мослашиши мажбурий ҳисобланади.

4. Сихлар ва лавсан иплари ёрдамида куракнинг патологик ўзгарган шаклини тўғрилашнинг тавсия этилган усуллари Шпренгел касаллиги билан болаларни жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш ва болалар ўсиши билан касалликнинг қайталанишини олдини олиш имконини беради.

5. Ишлаб чиқилган жарроҳлик даволаш усули билан кузатишларнинг 80,0% фоизида яхши анатомик натижаларга, 85,0% фоизида ($P \leq 0,05$) функционал натижаларга эришдик.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ТРАВМАТОЛОГИИ И
ОРТОПЕДИИ**

АЛИМУХАМЕДОВА ФЕРУЗА ШАВКАТОВНА

**РЕКОНСТРУКЦИЯ ЛОПАТОЧНОЙ КОСТИ ПРИ ОПЕРАТИВНОМ
ЛЕЧЕНИИ БОЛЕЗНИ ШПРЕНГЕЛЯ У ДЕТЕЙ**

14.00.22 – травматология и ортопедия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Tib1738.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английский (резюме)) размещен на веб-страницах Научного совета (www.uzniito.uz), Информационно-образовательного портала «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) и Национального информационного агентства (www.uza.uz).

Научный руководитель:	Джураев Ахрарбек Махмутович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Асилова Саодат Убайевна тиббийёт фанлари доктори, профессор Абильмажинов Мухтар Толегенович Доктор медицинских наук, профессор (Республика Казахстан)
Ведущая организация:	Андижанский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится « 30 » ДЕКАБРЯ 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 по присуждению учёных степеней при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули,80. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирована за № 40). Адрес: 100147, г. Ташкент, ул. Махтумкули, 80. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации разослан « 21 » ДЕКАБРЯ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 40 от 21 ДЕКАБРЯ 2021 года.



М.Э. Ирисметов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc),
старший научный сотрудник

У.М. Рустамова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc),
старший научный сотрудник

А.П. Алимов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Болезнь Шпренгеля является тяжелой врожденной аномалией развития плечевого пояса, которая приводит к косметическим дефектам и препятствует нормальному функционированию верхней конечности, при этом дети с данной болезнью отстают в физическом и психическом развитии от своих сверстников и чувствуют себя скованными из-за косметической неполноценности. Среди ортопедических заболеваний врожденного генеза, аномалия лопаточной кости, в частности, «... болезнь Шпренгеля встречается около 0,5-1%»¹. Актуальность проблемы обусловлена также сложностью получения положительных результатов при консервативном и оперативном лечении, без радикальных вмешательств в костях плечевого пояса на получение положительного результата даже при оперативном лечении рассчитывать невозможно.

В мире в настоящее время по оперативной коррекции врожденного высокого стояния лопатки при болезни Шпренгеля у детей проводятся следующие научные исследования: исследования, относящиеся к выяснению причин происхождения болезни, определение анатомо-функциональных изменений в грудной клетке, позвоночнике, плечевом поясе и верхней конечности, направленные на улучшение кровообращения, питания тканей, снижение тонуса ретрагированных недоразвитых мышц, устранение высокого стояния лопаточной кости, производимые в мягких и костных тканях, как миотомия трапецевидной мышцы, поднимающей лопатки; использование специальных аппаратов с эластической тягой для низведения лопатки; иссечение фиброзных тяжей между лопаткой и позвоночником; резекция верхне-медиального угла лопатки; остеотомия клювовидного отростка или тела лопатки; рассечение мышц комбинированием иссечения фиброзных тяжей; остеоклазию наружных кортикальных пластин лопаточной кости и др. Однако, приводится ряд общих недостатков, как растяжение укороченных и недоразвитых мышц, уменьшение размеров лопаточной кости из-за резекции, увеличение асимметрии плечевого пояса, отсутствие коррекции патологической формы лопаточной кости, возникновение послеоперационной контрактуры, рецидивы и осложнения, и др., из-за которых невозможно достигнуть хороших анатомо-косметических результатов. Таким образом, для достижения хороших анатомо-функциональных результатов в отдаленном периоде после оперативного лечения становится очевидным необходимость исследований по разработке коррекции не только расположения, но и формы лопаточной кости при болезни Шпренгеля.

В нашей стране принимаются масштабные меры по улучшению качества медицинской помощи. Одним из актуальных направлений исследования является улучшение специализированной медицинской помощи, в том числе

¹ Jiang Y, Guo Y., Zhu Z., Wang Y., Surgical management of Sprengel's deformity by a modification of Green's procedure : A single center experience.// Orthopaed., 2020 Mar;49(3):255-259.

улучшение методов диагностики и лечения, профилактика осложнений, внедрение современных технологий. На уровне государственной политики отмечен ряд задач, направленных на снижение рецидивов, выбора оптимального метода лечения и своевременности диагностики врожденных деформаций у детей, в том числе «...повышение эффективности, качества медицинской помощи, оказываемой населению, а также формирование медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения».

Настоящая диссертационная работа в определенной значении является выполнение задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года, №ПФ-5590 «О комплексных мерах по кардинальному улучшению системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, «О мерах по развитию государственно-частного партнерства в сфере здравоохранения» ПП-4290 от 16 апреля 2019 года и другими нормативно-правовыми документами, имеющими отношение к данной области деятельности.

Соответствие исследования первостепенным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное работа сделана в соответствии с превостепенным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Врожденное высокое стояние лопаточной кости сопровождается аплазией и дисплазией мышц туловища и надплечья, но в литературе не полностью раскрыты изменения об окружающих мышцах (Батышева Т.Т. и др., 2019; Колчин Д. В., 2009; Поздеев А.А. и др., 2007.; Юдина Н.В. и др., 2016; Cho T.G., 2000; Jiang Y. Et al., 2020; Kadavkolan A.S., Et al. 2011; Kamal Y.A., 2018; Rashid M., 2009; Xin B., Et al. 2010). До настоящего времени предложены более 30 методик оперативного лечения болезни Шпренгеля. Предложены следующие группы оперативных вмешательств: остеотомия лопаточной кости и низведение высоко расположенной половины; частичная резекция верхнего края лопаточной кости; операции низведения лопатки без вмешательств на костной основе (Поздеев А.А., 2006; Alsiddiky A.M., 2020; Bindoudi A., 2014; Doita M., 2000; Kadavkolan A.S., 2011; Motwani G., 2020; Masquijo J.J., 2009; Patwardhan S., 2020; Rashid M., 2009). Разработка и внедрение новых методик операций позволили уменьшить процент неблагоприятных исходов лечения этого заболевания. Суть предложенных оперативных методов по V.Putti, R.R.Wreden, J.W.Woodward, Konig по данным Колчина (2009), Поздеева (2007), Katsuhisa Yamada (2013), Marco Pato (2018), Mohamed Mansour Elzohairy(2019), Ozair Bin Majid (2020), Premal Naik (2021), Ufuk Aydinli (2005) и др., состоит в том, что после полной мобилизации лопаточная кость фиксируется трансоссально к 7 ребру или к мышцам спины. При этом иссекается добавочная омовертебральная кость, производится остеотомия

ключицы, клювовидного отростка лопатки. Однако, после этих операций у 30% детей наблюдаются рецидивы заболевания или неполная коррекция деформации, что связано с аномальной формой лопаточной кости.

